
ISSN: 2181-1741 (print)
ISNN: 2181-1725 (online)
2024 / № 9

FILOLOGIK TADQIQOTLAR:
TIL
ADABIYOT
TA'LIM



Philological research:
LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

Филологические исследования:
ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

pholologicalresearch.uz

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2024/ № 9

Termiz – 2024

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 19-oktyabrda 1122 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko‘chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 28.09.2024
Qog‘oz bichimi: 70x85
Bosma tabog‘i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog‘ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod ko‘chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko‘chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz
Rasmiy sayt:
https://journaltersu.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV,
iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY’ATI:

Bekpo‘lat Umurqulov, *filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o‘rinbosari)*
Shoxista Maxmaraimova, *filologiya fanlari doktori, professor (mas’ul muharrir)*
O‘ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)
Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)
Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)
Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Abdi Mamatov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Suyun Karimov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Normat Yo‘ldoshev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Asqar Eshmo‘minov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Zafar Umurqulov, f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O‘zbekiston)
Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Hakim Ahmedov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Ahad Shukurov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Eshnazar Jabborov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdumurod Arslonov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Umida Raximova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Nargis Qurbonazarova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Muyassar Xolova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sherzod Turdiqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Zaynura Qodirova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Humayun Nadim Muhammad, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)

Texnik muharrir: Bahodir To‘raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 28.09.2024
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100. Цена договорная
Заказ: 155

Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
https://journaltersu.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ, доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)
Шохиста Махмараимова, доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)
Урал Холияров, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)
Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)
Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)
Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)
Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нормат Юлдашев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)
Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Бобоназар Муртазаев, ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Аскар Эшмуминов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)
Зафар Умуркулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Хаким Ахмедов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Ахад Шукуров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Эшназар Джаббаров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Абдумурод Арслонов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Сирожиддин Турдимуродов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Умида Рахимова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Наргис Курбаназарова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Муяссар Холова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Шерзад Турдикулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Зайнура Кадирова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Хумаюн Надим Мухаммад, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President's Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 28.09.2024
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94. Offset printing.
Offset paper. Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155. Printed at the «Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
https://journaltersu.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)
Shohista Makhmaraimova, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)
Ural Kholiyorov, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, PhD (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, PhD (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Hakim Akhmedov, PhD (Uzbekistan)
Ahad Shukurov, PhD (Uzbekistan)
Eshnazar Jabbarov, PhD (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, PhD (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, PhD (Uzbekistan)
Umida Rakhimova, PhD (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, PhD (Uzbekistan)
Nargis Kurbanazarova, PhD (Uzbekistan)
Muyassar Kholova, PhD (Uzbekistan)
Sherzod Turdikulov, PhD (Uzbekistan)
Zaynura Kadirova, PhD (Uzbekistan)
Humayun Nadim Muhammad, PhD (Uzbekistan)

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

ЛУТФУЛЛАЕВА ДУРДОНА
Тилшуносликда миллат ассоциатив портретини аниқлаш методикаси..... 7

IBRAGIMOV JAVLON YORMATOVICH
Nutqiy sistema lisoniy imkoniyatlar voqelanishi ko‘zgusida..... 12

BABAXANOVA DILAROM AXMATXANOVNA
Uslub atamasining kelib chiqishi va uning til
taraqqiyotidagi turli davrlarda qo‘llanishi..... 15

XUJAMKULOVA MAXBUBA BOBONAZAROVNA
Darak gaplarda nutqiy akt tushunchasi 19

ABDULLAYEV DAVRONBEK
Lingvistik talqinda leksik ma’no o‘zgaruvi badiiy
nutqning daraja vositasi sifatida 22

ERGASHEVA DILRABO ALLANAZAROVNA
Odil Yoqubov asarlarida ruhiy holat so‘zlari va ularning
olam obrazini shakllantirishdagi ahamiyati 25

KADIROVA ZAYNURA ZAYNIDINOVNA
Filologik terminologiyaning mohiyati va xususiyatlari 30

НОРБОЕВА ДИЛАФРЎЗ ЖУМАҚУЛОВНА
Соҳавий терминлар ва уларнинг тил хусусиятлари 36

ISMOILOVA MAMLAKAT QURBONOVNA
Ijtimoiy tarmoq marketingi terminlarining o‘rganilish tarixi 39

MENGLIYEVA MUNIRA
Aspektual ma’no ifodalovchi leksemalarning ingliz izohli
lug‘atlaridagi talqinini takomillashtirish yo‘llari 42

МАМАСОЛИЕВ ИЛХАМ УБАЙДУЛЛАЕВИЧ
Приспособление иностранной лексики в русском языке
на основе материалов русскоязычных СМИ Узбекистана 46

МУНДАРИЖА

XODJIYEV YUSUF NORQULOVICH
O‘zbek tilida “ona” konsepti misolida “oilaparvarlik” xarakterining ifodalanishi 50

ALIMBEKOVA MAVJUDA XALIMJON QIZI
Fitrat korpusi lemmalarini avtomatik aniqlashda yuzaga kelgan muammolar 56

ADABIYOTSHUNOSLIK

КАДИРОВА ОЛИЯ ХАМЕДОВНА
Понятие и особенности литературного цикла 59

ТУРСУНОВА НАСИБА
Мотам маросими ва иримлар талқинига доир 63

DAVLATOVA SHAHNOZA MUHAMMADIYEVNA
Jahon adabiyotida yurisprudensiya va sud
jarayonlari badiiy talqin etilgan asarlar tahlili 67

TANGIROV RO‘ZIBOY
Shukur Xolmirzayev hikoyalarida o‘zbek xarakterining badiiy ifodasi 69

QURBONOVA SARVINOZ GULBOYEVNA
Nodim Namangoniyning Qo‘qon adabiy muhitidagi o‘rni 73

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta’lim. 2024; 9
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

JURNALIMIZ FAXRIY MEHMONI[1]

ТИЛШУНОСЛИКДА МИЛЛАТ АССОЦИАТИВ ПОРТРЕТИНИ АНИҚЛАШ МЕТОДИКАСИ



Лутфуллаева Дурдона,
филология фанлари доктори,профессор

Тилшуносликда кейинги йилларда лисон ортида турган онг, унда ташқи олам образининг ҳосил бўлиши, олам манзарасининг турли маданиятлардаги қиёфаси, инсон тасаввурлари ва лисоний хотирасини амалий тажрибалар орқали текширишда ассоциатив тажриба методидан самарали фойдаланилмоқда.

Ассоциатив тажриба методи бирор бир объект бўйича тил эгаларида ҳосил бўлган ассоциацияларни аниқлашда, ушбу объектнинг кишилар онгида ҳосил бўлган образ-қиёфасига тавсиф беришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ассоциатив тажриба методи ёрдамида инсон лисоний онгининг функционаллашуви хусусиятларини ҳамда нутқий жумлалар ҳосил қилишнинг, одатда, тил эгалари томонидан англанмайдиган ва бошқа тадқиқ методлари асосида ҳам аниқлаб бўлмайдиган усулларига баҳо бериш мумкин[2].

Н.Дмитрюк ассоциатив тажриба методининг имкониятларига баҳо берар экан, қуйидагиларни ёзади: “Оламнинг лисоний манзараси” соматик автообразга “жойлаштирилган” кабидир: инсон “ташқари” (ташқи олам)ни “ичкари” орқали идрок этадики, у этник жиҳатдан йўналтирилган бўлиб, бу икки образ чегаралари (олам манзараси ва бу оламда унинг ўз тасвири) анча ҳаракатчан, ўзаро қарама-қаршиликлар ва ўтишлар, бир-бирига мос келишлар ва фарқларга тўла. Шунинг учун ҳозирги кунга қадар инсоннинг лисоний онгида ташқи оламни ва ўзини идрок этиш “проекциялари”ни ўрганишда энг асосли ва самарали (тўғри эканлиги исботланган) тадқиқот воситаси, умумий тарзда бўлса-да, тил эгаларининг вербал хатти-ҳаракатларининг чуқур моделларини кўрсатувчи, кўплаб ассоциатив жавоблар реакцияларини олишга имконият яратадиган метод эркин ва йўналтирилган ассоциатив тажриба методлари саналади”[3].

Н.В. Уфимцева ассоциатив тажрибада олинадиган материалларни ўрганишнинг аҳамияти ҳақида фикр юритади. Унинг фикрича, ассоциатив реакцияларни ўрганишнинг биринчи афзал жиҳати шундаки, ассоциациялар тилнинг луғат таркиби семантик структурасига (аниқроғи, тил эгалари луғат бойлиги билан) мувофиқ келади. Ассоциатив реакцияларни ўрганишнинг иккинчи афзаллиги уларнинг сўзнинг лисоний синтагматик боғланишлари билан шартланганлигидир.

[1] “Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta’lim” jurnali an’anasiga muvofiq, taniqli tilshunoslarning maqolalarini e’lon qilib borish yo‘lga qo‘yilgan.

[2] Славянский ассоциативный словарь: русский, белорусский, болгарский, украинский / под ред. Н. В. Уфимцевой, Г. А. Черкасовой, Ю. Н. Караулова, Е. Ф. Тарасова. – М., 2004. – С.4.

[3] Дмитрюк Н.В. Ассоциативные портреты – характеристики представителей русского и казахского этносов // https://iling-ran.ru/library/psylingva/sborniki/book2000/html_204/4-5.html

Жавоб реакциялари асосида сўзларнинг нутқда бирга қўлланиши, нутқий синтагматика ҳақида, бундан ташқари, эркин ассоциатив тажрибада сўзларнинг тақсимланиш қонуниятлари ва нутқ оқимида ниҳоятда яқин ҳолатда бўлиши эҳтимоли хусусида фикр юритиш мумкин. Ассоциатив реакцияларни ўрганишнинг учинчи афзаллиги бу материалларга муайян маданият ва тил учун характерли бўлган онг образининг "ассоциатив профили" сифатида қараш мумкинлигидир. Улар муайян этнос эгаллаган ақлий ва ҳиссий билимларни бирлаштиради"[1].

Дарҳақиқат, ассоциатив тажриба орқали сўзларнинг ассоциатив маъноларини, қандай сўзлар билан синтагматик муносабатга киришувини аниқлаш мумкин. Шу билан бирга, ассоциатив тажриба методи ёрдамида тил эгаларининг онги хусусиятлари, хотирасини текшириш имконияти мавжуд. Чунки тажриба жараёнида кишиларнинг нафақат тил билими юзага чиқади, балки ташқи оламдаги нарса-предметлар, юз берган воқеа-ҳодисаларнинг идрок этилган, англанган ва онгда акс этган образлари тасаввурида тикланиб, турли ассоциацияларни уйғотади. Шу жиҳатдан ассоциатив тажриба методи инсон онгининг функциялашуви жараёнини ўрганишда энг ишончли ва самарали метод саналади.

Кейинги йилларда дунё тилшунослигида ассоциатив тажрибаларнинг турли мақсадларда қўлланиши кузатилмоқда. А.А.Залевскаянинг қайд этишича, ассоциатив тажрибалар сўз билан боғлиқ қуйидаги масалалар ечимида ўзини оқлади: сўзнинг психологик маъноси (Доценко, 1998), сўзнинг категориал ва предметлик маъноси (Маскадыня, 1989; Соловьева, 1989), болаларда сўз маънолари ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (Рогожникова, 1986; 1988; Соколова, 1996; 1997), алоҳида категориядаги сўзларнинг маъно хусусиятлари (масалан, ҳиссиётлар номлари (Перфильева, 1997); қиёс конструкцияларда тиргак сўзлар (Пашковская, 1997; Шмелева, 1988), сўзлар орасидаги алоқалар (Лебедева, 1991; Медведева, 1989; Новичихина, 1995), инсон лексиконининг шаклланиши, унинг "ядро" қисмининг ажратилиши (Залевская, 1977; 1981; Золотова, 1989). Олиманинг фикрича, ассоциатив тажрибаларни турли тиллар ва маданиятлар тадқиқига татбиқ этиш орқали ҳам муҳим натижаларга эга бўлинди (Дмитрюк, 1985; 1998; Салихова, 1999; Этнопсихолингвистика, 1988), ассоциатив тажрибалар турли тил эгаларининг ассоциатив портретини тузишда (Ершова, 1998; Мруэ, 1998), нутқ ҳосил бўлиши жараёнининг айрим жиҳатлари ва ассоциатив структураларнинг матн ҳосил қилишдаги ролини ўрганишда (Овчинникова, 1994; 1996а; 1996б), тилларнинг бир-бирига таъсири хусусиятларини аниқлашда (Грабска, 1996) ижобий натижалар берди. [2]

Ассоциатив тажриба методи муайян объектнинг тил эгалари онгида акс этган ассоциатив вербал портретини аниқлашда ҳам қўлланилади. Ассоциатив тажриба материаллари асосида ушбу объектнинг тил эгалари тасаввуридаги образ-қиёфасини аниқлаш мумкин. Ассоциатив тажриба материаллари мазкур объект бўйича тил эгалари онгида тўпланган маълумотларни ассоциациялар кўринишида тақдим этади. Бундай ассоциациялар объектнинг яхлит вербал портретини тасвирлашга хизмат қилади.

Тилшуносликда муайян субъектнинг тил эгалари тасаввуридаги ассоциатив вербал портретини аниқлашга қаратилган ишлар мавжуд. Шундай ишлардан бири Н.А.Сегал ва Ч. Шулиннинг Россия президенти В.В. Путиннинг ассоциатив портрети таҳлилига оид мақоласидир. Тадқиқотчилар Россия сиёсий раҳбарининг рус халқи онгида акс этган ассоциатив портретини тасвирлашда ассоциатив тажриба методидан фойдаланишди[3]. Улар В.В.Путиннинг ассоциатив портретини моделлаштиришда иштирок этган зооним ассоциатив бирликларни аниқлаб, уларнинг сиёсий раҳбар вербал портретини тасвирлашдаги ролига баҳо беришди. Шунингдек, медиамаконда Россия президентининг матнлар воситасида тасвирланган образини ассоциатив тажриба материаллари билан солиштириб, рус халқи лисоний онгида В.В.Путин образини ҳосил қилган бирликларнинг ассоциатив хусусиятларидаги ўхшашликларни аниқлашди.

И.С.Карабулатова эса Россия давлатида ишлаётган меҳнат муҳожирлари – мигрантларнинг рус тили эгалари онгида акс этган ассоциатив портретига тавсиф беришда ассоциатив тажриба методини қўллади. У *мигрант* концепти бўйича синалувчилар устида йўналтирилган ассоциатив тажриба ўтказди. Тажриба натижалари асосида *мигрант* туртки сўзига нисбатан тил эгалари томонидан берилган кўплаб салбий ва ижобий характердаги ассоциацияларни аниқлади, уларнинг ҳосил бўлиш омилларини кўрсатди. Унинг фикрича, замонавий оммавий

[1] Славянский ассоциативный словарь: русский, белорусский, болгарский, украинский / под ред. Н. В. Уфимцевой, Г. А. Черкасовой, Ю. Н. Караулова, Е. Ф. Тарасова. – М., 2004. – С.5 (– 792 с.)

[2] Бу ҳақда қаранг: Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: Merius, 2018. – Б. 83.

[3] Сегал Н.А. Шулин Ч. Ассоциативный портрет В. В. Путина в языковом сознании российских студентов // Политическая лингвистика. 2023. – № 5 (101). – С. 131–140.

ахборот воситалари таъсирида мигрант образига муносабат ўзгариб бормоқда. Мигрантлар ҳақидаги ижобий ахборот мигрант образига ижобий муносабатни ҳосил қилади, аксинча, салбий характердаги ахборот мигрантнинг салбий образ сифатида идрок этилишига олиб келади. Бу ҳолат мигрантларни қабул қилувчи жамиятда муайян ижтимоий гуруҳлар образлари ҳақидаги тасаввурларнинг бузилишига, жамиятда "эски" ҳамда "янги" аъзоларнинг шаклланишига олиб келади[1].

А.П.Чудинов, Н.А. Сегал, А.Н. Мищенколар қрим халқи лисоний онгида акс этган полиция ходими ассоциатив портретини аниқлашда ассоциатив тажриба методидан фойдаланишди. Тадқиқотчилар ассоциатив тажрибани ўтказишда синалувчиларга қуйидаги саволларни тақдим этишди: 1. Полиция ходимининг қайси фазилатини энг муҳим деб ҳисоблайсиз? 2. Қайси фазилатларни полиция ходими учун мақбул эмас деб ҳисоблайсиз? 3. "Полициячи" сўзини эшитганда сизда қандай ассоциациялар ҳосил бўлади?

Тадқиқотчилар ушбу тажриба натижалари асосида "полициячи" ассоциатив майдонини шакллантириб, унинг миллий-маданий хусусиятларини очиб беришди. Берилган жавоб реакциялари "полиция ходимининг тавсифи", "полиция ходими фаолияти тавсифи ёки унинг фаолияти натижалари", "полиция ходимининг ташқи қиёфаси ва унинг атрибутлари" каби ассоциатив моделларни юзага келтирганлигини аниқлашди. Шунингдек, жавоб реакциялари тил эгалари лисоний онгида полиция ходимининг ассоциатив портретини ҳосил қилувчи ядро ва чегара қисм бирликларига фарқланишини асослашди. Ушбу тадқиқот полиция ходими образини қонун ҳимоячиси, муайян касб эгаси сифатида ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтайди[2].

Тилшунослар муайян миллатнинг тил эгалари онгида акс этган ассоциатив вербал портрети хусусиятларини ўрганиш бўйича ҳам изланишлар олиб боришмоқда. Жумладан, Н.В.Димитрюк рус ва қозоқ этноси вакиллари ассоциатив портретини тасвирлашда ассоциатив тажриба методидан фойдаланди. У ассоциатив тажриба учун соматик бирликларни танлади. Тажриба натижалари асосида этник шартланган турли образ-портретларнинг бир-бири билан мос келмаслиги сабабларини очиб берди[3].

Т.А.Ершованинг номзодлик диссертациясида рус ва немис халқи онгидан ўрин олган миллат кишиларининг ассоциатив портрети хусусиятлари очиб берилди. Тадқиқотчи кишиларни турли томондан тавсифловчи 50 та туртки сўз бўйича рус ва немис тили эгалари устида ассоциатив тажриба ўтказди. У тажриба натижалари асосида субъект/объектнинг ассоциатив-когнитив портретини ҳосил қилишга хизмат қилган жавоб реакцияларининг қуйидаги типларини аниқлади: 1) субъект/объектни ташқи кўриниши асосида тасвирловчи визуал-функционал реакциялар. Тадқиқотчи бу типга БРАТ (ака/ука, биродар) туртки сўзига берилган "ровесник" (тенгқур, тенгдош), УМНЫЙ МУЖЧИНА (ақлли эркак) туртки сўзига берилган "зрелый" (етук), СТАРИК (қария) туртки сўзига нисбатан ҳосил бўлган "старость" (қарилик) жавоб реакцияларини киритган. У, шунингдек, "толстый" (семиз), "худая" (озғин), "сгорбленный" (букри) жавоб реакциялари субъектнинг физик ҳолати; "глаза" (кўз), "красивая" (чиройли), "некрасивая" (хунук), "мощинистый" (ажинли), "усы" (мўйлов) жавоб реакциялари инсоннинг физик тузилишига тавсиф беришини таъкидлайди; 2) субъект/объектнинг ички ҳолати, салбий ва ижобий хусусиятлари, характерига хос жиҳатлар, одоб-ахлоқини тасвирловчи партитив-аксиологик реакциялар. Ишда бу типга "надёжный" (ишончли), "верный" (содиқ), "сварливая" (ғамгин) жавоб реакциялари киритилган; 3) субъектнинг эмоционал ҳолатини тасвирловчи ментал-функционал реакциялар. Тадқиқотчи бу типга мансуб жавоб реакцияларининг қоидага кўра умумлашма характерда бўлишини таъкидлайди ва уларга "верность" (содиқлик), "доверие" (ишонч), "независимость" (мутақиллик) жавоб реакцияларини киритади; 4) субъектнинг ижтимоий ҳолати, жамият ва оиладаги ролини кўрсатувчи мақом-рол билдирувчи реакциялар. Тадқиқотчи бу типдаги жавоб реакцияларига УВЕРЕННЫЙ МУЖЧИНА (ишончли эркак) туртки сўзига берилган "начальник" (бошлиқ), СТАРУХА (кампир) туртки сўзига нисбатан ҳосил бўлган "пенсионерка" (пенсионер аёл) ассоциациялари мисол бўлишини қайд этган; 5) субъект иш фаолияти ва машғулоти турини тасвирловчи функционал реакциялар. Бу типга УМНАЯ ЖЕНЩИНА (ақлли аёл) туртки сўзига берилган "секретарь" (котиба) жавоб реакцияси мисол қилиб кўрсатилган; 6) субъект/объектга нисбатан

[1] Карабулатова И.С. Ассоциативный портрет мигранта // Мир науки, культуры, образования. – Горно-Алтайск, 2018. – №6 (73). – С.683-685.

[2] Чудинов А. П., Сегал Н. А., Мищенко А. Н. Ассоциативный портрет полицейского в русском языковом сознании // Политическая лингвистика. Уральский гос. пед. унив., 2022. – № 5 (95). – С. 187-191.

[3] Дмитрюк Н.В. Ассоциативные портреты – характеристики представителей русского и казахского этносов // https://iling-ran.ru/library/psylingva/sborniki/book2000/html_204/4-5.html

муносабатни тасвирловчи аффектив-эмотив реакциялар. Тадқиқотчи бу типга мансуб жавоб реакцияларида маъқуллаш/маъқулламаслик, қабул қилиш/қабул қилмаслик, афсусланиш, асабийлаштирмоқ, завқланиш, ирония каби ҳиссий муносабат турлари акс этганлигини баён қилган; 7) субъектнинг экспрессив характеристикасини акс эттирувчи характерловчи реакциялар. Тадқиқотчи бу типга бошқа тиллардан ўзлаштирилган метафоралар, семантик жиҳатдан қайта идрок этилган ҳамда қуйи лексика (шунингдек, инвектив бириклар)ни киритган. Мисол қилиб УМНЫЙ МУЖЧИНА (ақлли эркак) туртки сўзига берилган “голова” (бош), СВОБОДНАЯ ЖЕНЩИНА (эркин аёл) туртки сўзига берилган “шлюха” (фоҳиша); ЩЕДРЫЙ ЧЕЛОВЕК (сахий инсон) туртки сўзига нисбатан тил эгаларида ҳосил бўлган “толстый мешок” (семиз қоп) жавоб реакцияларини келтирган.

Таҳлиллардан маълум бўладики, тилшуносликда муайян шахс ёки миллатнинг тил эгалари онгида акс этган ассоциатив портретини аниқлашда ассоциатив тажриба методидан унумли фойдаланилмоқда.

Ассоциатив тажриба методи лексик бирликларнинг “маданийлик” белгисини, сўзга хос семантик алоқаларни, унинг “семантик обертонлари”ни очиб беришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.[1] Бу хулосага қўшимча қилиш мумкинки, бирор бир объектнинг ассоциатив вербал портретини ҳосил қилишда қўлланадиган ассоциатив тажриба материалларида тилнинг маданийлик, миллийлик белгиси қаторида миллат онгининг миллий хусусиятлари ҳам намоён бўлади.

Муайян объект (ёки субъект)нинг тил эгалари онгида акс этган ассоциатив вербал портретини аниқлашда ассоциатив тажриба методининг эркин ва йўналтирилган турларидан фойдаланиш самаралидир. Тилшуносликда ассоциатив вербал портрет характеридан келиб чиққан ҳолда машҳур кишилар, бирор бир миллат ёки адабий қаҳрамон образ-қиёфасини аниқлашда тил эгалари устида кўпинча йўналтирилган ассоциатив тажриба ўтказилмоқда. Миллатнинг кишилар онгида ҳосил бўлган ассоциатив вербал портретига тавсиф беришда нафақат шу тил эгалари, балки ўзга миллат вакиллари устида ҳам йўналтирилган ассоциатив тажрибалар ўтказилиши мумкин. Масалан, ўзбек тили эгалари устида ўтказиладиган йўналтирилган ассоциатив тажрибалар “Ўзбек ўзбекнинг нигоҳида”, ўзга миллат вакиллари устида ўтказилган бу турдаги тажриба материаллари эса “Ўзбек ўзгалар нигоҳида” мазмунидаги ассоциатив портретларни аниқлашга хизмат қилади.

Ю.И.Алферованинг таъкидлашича, йўналтирилган ассоциатив тажриба методи ассоциацияларни тадқиқот мақсадига “йўналтиради” ва синалувчилар эътиборини аниқ масалага қаратади. Аммо бундай тажрибанинг “йўналтирилганлиги” ва ассоциациялаштириш жараёнига муайян чегара қўйилиши тажрибада олинадиган натижаларнинг ишончлилигини жиддий пасайтиради, ассоциатив жараённинг соф ҳолатда кечишини қийинлаштиради. Бироқ бу тажриба методи содда, қўллашга қулай, уни бир вақтда катта гуруҳда ўтказиш мумкин. Синалувчилар берилган сўзнинг ассоциациялари устида ишлайдилар, бу ҳолат сўзнинг ассоциатив маъно компонентларини аниқлашга ёрдам беради.[2]

Бирор бир шахс ёки миллатнинг тил эгалари лисоний онгида ҳосил бўлган ассоциатив портретини аниқлашда соматик бирликлар бўйича ҳам йўналтирилган ассоциатив тажрибалар ўтказиш мумкин. Бундай ассоциатив тажрибаларда синалувчилар махсус топшириқни бажаришади.

Соматик бирликлар бўйича ўтказиладиган ассоциатив тажрибаларда қуйидаги мақсадларга эришиш кўзда тутилиши мумкин:

1. **Тил эгаларида муайян шахснинг гавда тузилиши бўйича ҳосил бўлган жавоб реакцияларини аниқлаш**. Масалан, Ўзбекистон халқ қаҳрамони шоир Абдулла Ориповнинг тил эгалари тасаввуридаги гавда тузилишини тасвирловчи ассоциатив портретини аниқлаш мақсадида синалувчилардан сўровномага шоирнинг фақат гавда тузилишини акс эттирувчи ассоциацияларни қайд этиш сўралади. Бу вазифани бажариш учун уларга қуйидаги топшириқ берилади:

“Абдулла Орипов” номини эшитишингиз билан 1 дақиқа ичида хотирангизда тикланган шоирнинг гавда тузилишини акс эттирувчи жавоб реакцияларини сўровномага қайд этинг, ассоциациялар чегараланмаган миқдорда ёзилиши мумкин”.

2. **Тил эгаларида муайян миллат вакилларининг умумий гавда тузилиши бўйича ҳосил бўлган жавоб реакцияларини аниқлаш**. Масалан, ўзбек, рус, қирғиз, қозоқ ёки бошқа миллат вакилларининг соматик вербал портретини тасвирлаш учун қуйидаги саволномадан фойдаланиш мумкин:

“Ўзбек” сўзини (ёки бошқа миллат номини) эшитишингиз билан 1 дақиқа ичида ушбу халқ

[1] Қаранг: Леонтьев А.А. Общие сведения об ассоциациях и ассоциативных нормах // Словарь ассоциативных норм русского языка. – М.: МГУ, 1977. – С.14.

[2] Алферова Ю.И. Профессионально-маркированные компоненты языкового сознания, репрезентированные единицами родного и изучаемого языков: Дисс. … канд. филол. наук. – Омск, 2005. – С.46.

вакилларининг хотирангизда тикланган гавда тузилишини акс эттирувчи жавоб реакцияларини сўровномага қайд этинг ”.

Ёки ассоциатив тажриба топшириғи қуйидагича тузилиши мумкин: “Берилган тана аъзолари номи олдидан хотирангизга келган ўзбек халқи вакилларининг гавда тузилишини акс эттирувчи биринчи аниқловчини ёзинг: *бош, соч, бўйин, пешана, кўз, қош, бурун, оғиз, лаб, тиш, тил, юз, ёноқ, ияк, қулоқлар, оёқлар, қўллар, бармоқлар, қорин, кўкрак, елка, тирноқлар* ”.

Кўринадики, бу турдаги тажриба йўналтирилган ассоциатив тажриба бўлиб, унда синалувчилардан аниқ бир топшириқни бажаришлари талаб этилади. Ушбу тажрибада синалувчиларда ҳосил бўлган ассоциациялар орқали уларнинг ўзбек халқи вакиллари гавда тузилишига оид билим ва тасаввурлари аниқланади. Бундай ассоциатив тажрибалар муайян даврдаги ўзбеклар образини яратишда, уларнинг ижтимоий, маданий, сиёсий ҳаёти, қизиқишлари, дини ҳақидаги маълумотларни олишда муҳим ўрин тутади.

Хуллас, бирор бир миллатнинг кишилар онгида ҳосил бўлган ассоциатив вербал портретини аниқлашда ушбу миллат вакилларининг умумий образ-қиёфасини акс эттирувчи ассоциацияларга асосланилади. Бу ассоциациялар миллатнинг умумлашма характердаги ассоциатив портретини тасвирлашга хизмат қилади.

Резюме. Ушбу мақолада бирор бир объект, хусусан, шахс ёки миллатнинг тил эгалари онгида акс этган ассоциатив вербал портретини аниқлашда қўлланадиган ассоциатив тажриба методининг имкониятларига баҳо берилган. Тил эгаларида ҳосил бўлган ассоциацияларнинг шахс ёки миллатнинг умумлашма характердаги ассоциатив портретини тасвирлашга хизмат қилиши асосланган.

Resume. This article evaluates the capabilities of the method of associative experience, which is used to determine the associative verbal portrait of an object, in particular, a person or people, reflected in the minds of native speakers.

Резюме. В данной статье оцениваются возможности метода ассоциативного опыта, который используется для определения ассоциативного вербального портрета объекта, в частности, человека или народа, отраженного в сознании носителей языка.